

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc30.08.2018.FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВ ФОЗИЛ ӢРАЛОВИЧ

АГРЕГАТЛАНГАН ҒОВАК МУҲИТЛАРДА МОДДА КӢЧИШИНИНГ
ГИДРОДИНАМИК МАСАЛАЛАРИ

01.02.05 – Суюклик ва газ механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БӢЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Сулаймонов Фозил Ўралович

Агрегатланган ғовак муҳитларда модда кўчишининг гидродинамик

масалалари 3

Сулаймонов Фозил Уралович

Гидродинамические задачи переноса вещества в агрегированных пористых

средах 21

Sulaymonov Fozil Uralovich

Hydrodynamic problems for mass transport in aggregated porous media.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc30.08.2018.FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВ ФОЗИЛ ЎРАЛОВИЧ

АГРЕГАТЛАНГАН ҒОВАК МУҲИТЛАРДА МОДДА КЎЧИШИНИНГ
ГИДРОДИНАМИК МАСАЛАЛАРИ

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд–2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/FM126 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "Ziynet" ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хўжаёров Бахтиёр Хўжаёрович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Маликов Зафар Мамяткулович техника фанлари доктори Джабборов Мамасоль Содиқович физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий инновацион марказ

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 рақамли Илмий кенгашининг «17» май 2019 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиббони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, 239-12-47, e-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиббони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-17-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «3» май кuni тарқатилди.
(2019 йил «3» май даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Р.И.Халмуратов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

А.Абдирашидов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
физика-математика фанлари доктори, доцент

Ж.А.Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда биржинслимас муҳитларда модда кўчиши масаласини ўрганиш техниканинг турли соҳаларига, хусусан, зарарли моддаларни ер остига утилизация қилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, нефть ва газ қазиб чиқариш ва бошқа масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Сув билан бирга ер остига ҳайдалган зарарли модда қатлам ўтказувчанлиги юқори бўлган каналдан, қатлам орасидан, резервуарнинг ғоваги орқали ҳаракатланиб сезиларли даражада қатлам бўйлаб тарқалиши мумкин. Бунда резервуарнинг зарарли моддаларни сақлашдаги самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Англия, Франция, Хитой, Япония, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган давлатларда биржинслимас ғовак муҳитларда моддалар кўчишининг математик моделларини ва уларни тадқиқ этишнинг сонли алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ҳисоблаш дастурий воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда сизиш кўрсаткичлари фарқ қилувчи макроскопик биржинслимас, хусусан агрегатланган ғовак муҳитларда модда кўчиши ва суюқлик ҳаракати жараёнларида ғовак муҳит скелети биржинслимаслиги таъсирини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда, хусусан аниқ геометрияга эга бўлган агрегатланган ғовак муҳитларда турли аралашмали моддалар кўчиши ва биржинслимас суюқлик ҳаракатининг мураккаб жараёнларини тадқиқ қилиш, реал объектлар параметрларини аниқлашнинг математик модели ва ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга диффузион ва кинетик ёндашувлардан фойдаланишнинг математик модели, самарали алгоритми ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда амалиётга жорий этилаётган модда кўчиш масалалари тупроқ физикасида муҳим аҳамият касб этмоқда, хусусан пестицидлар, нитрадлар, оғир металллар ва бошқа моддаларнинг ғовак муҳитларда ҳаракатини тавсифлашда, атроф муҳит ҳимояси, нефть ва газларни қазиб олиш ва техниканинг бошқа соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Бундай тадқиқотларда ғовак муҳит сизиш кўрсаткичлари (ғовакликлар ўлчамларининг тақсимланиши, агрегатланиш) ва кимёвий модданинг ғовак муҳитдаги (диффузия, дисперсия, анионларни йўқотиш, адсорбция ёки алмашинув жараёни) ҳолатини тадқиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш..., ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш...»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

биржинслимас ғовак муҳитларда моддалар кўчиши ва сизиши жараёнларини ифодаловчи такомиллаштирилган математик моделларни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть ва газ саноатини бошқариш тизимини мукамаллаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охириги йилларда нефтгаз ва сув қатламларида сизиш ва кўчишнинг мураккаб динамик жараёнларининг математик моделларини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда уларни сонли тадқиқ қилиш қуйидаги олимлар: J.Bear, Van Genuchten M.Th., Wierenga P.J., Coats, K.H., Smith, B.D., Rasmuson A., I. Neretnieks, N.W.Haws, J.L.Auriault, Green R. E., P.S.-C. Rao, J. C. Corey, F.N. Dalton, R.E.Jessup, Chen Ch.Sh., E.L.Cussler, J.M.Davidson, Drummond J. E, J.P.Gaudet, R.Haggerty, M.Hilpert, M.R.Paraskewich, Biggar J. W., D. R. Nielsen, Hashimoto I., Cameron D.R., Klute A, M.M.Rahman, P.Royer, H.M.Selim, G.Vachaud, Parker J.C., A.J.Valocchi, W.P.Ball, R.J.Wagenet, D.F.Young ва бошқаларнинг ишларида қаралган.

Ўзбекистонда ғовак муҳитларда суюқлик ва газ ҳаракатини жараёнларини бошқариш, башорат ва тадқиқ қилиш учун математик моделлар ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишга юртимиз олимларидан Ф.Б.Абуталиев, Э.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев, Н.М.Мухидинов, Р.Садуллаев, И.Алимов, Б.Х.Хужаёров, Ж.Акилов, Н.Равшанов, И.К.Хужаев, Ш.Каюмов, В.Ф.Бурнашев ва бошқалар муҳим ҳисса қўшган.

Бугунги кунда турли аниқ геометрияга эга бўлган агрегатланган ғовак муҳитларда модда кўчиши, адсорбцияланиш ҳодисаси, сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланиши масалаларини ечиш усули ва алгоритмларни ишлаб чиқишдаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №19.12 «Муҳандислик ва табиий жараёнларнинг математик моделларини тузиш ва сонли тадқиқ қилиш» (2000-2018) ҳамда №ФА-Ф1-Ф042 «Биржинслимас суюқликларнинг ғовак муҳитларда сизиши гидродинамик моделларини тузиш ва тадқиқ этиш» (2007-2011), №ФА-Ф078 «Ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликларни сузилиши ва сизишининг

гидродинамик масалалари» (2012-2016) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аниқ геометрияга эга бўлган агрегатланган ғовак муҳитларда адсорбция ходисаси ҳисобга олган ҳолда модда кўчиши ва коаксиал цилиндрик ғовак муҳитларда сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда биржинслимас суюқлик сизиши жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш ҳамда сонли ечиш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

агрегатланган ғовак муҳитларда модда кўчиши ва суюқлик ҳаракатининг гидродинамик масалаларини ечиш усулларини ишлаб чиқиш;

коаксиал цилиндрик ғовак муҳитда модда кўчиши масаласини диффузион ва кинетик ёндашувлар асосида ечиш орқали иккала ёндашув натижаларини бир-бирига яқин келтирувчи масса кўчиш коэффициентининг қийматини аниқлаш;

марказида цилиндрик макропорали горизантал ўрнатилган цилиндрик ғовак муҳитда модда кўчиш масаласини адсорбцияланишни ҳисобга олиш ҳамда модда кўчишини иккита ҳол: диффузия ва кинетика ёндошувлар учун таҳлил қилиш;

сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланишида адсорбция ходисаларини ҳисобга олганда ва олмаганда цилиндрик ғовак муҳитда модда кўчиши ва сизиши масаласини сонли тадқиқ этиш;

диффузион ёндошувда асосида ечилган тўғри масала натижаларидан фойдаланиб, адсорбция ходисаларини ҳисобга олганда ва олмаганда кинетика тенгламасидаги масса кўчиш коэффициентини аниқлашнинг тесқари коэффициентли масаласини ечиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида марказида цилиндрик макроғовакли цилиндрик ғовак муҳит олинган.

Тадқиқотнинг предмети математик моделлаштириш, ЭҲМда ҳисоблаш экспериментини ўтказиш учун самарали алгоритм ишлаб чиқиш, биржинслимас цилиндрик ғовак муҳитларда модда кўчиши ва суюқлик ҳаракатини гидродинамик таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида механиканинг фундаментал сақланиш қонунлари, қўшимча феноменологик фаразлар асосида чиқарилган биржинслимас цилиндрик ғовак муҳитларда модда кўчиши ва суюқлик ҳаракатининг гидродинамик тенгламалари, нозикли дифференциал тенгламаларни ечишнинг чекли айирмалар усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диффузион ва кинетик ёндошувлар асосида биржинслимас цилиндрик ғовак муҳитда модда кўчиши масаласи ечилиб, масса кўчиш коэффициентининг шундай қиймати топилганки иккала ёндошув натижалари бир-бирига яқин келишлиги исботланган;

икки соҳали цилиндрик ғовак муҳитда суюқлик ҳаракати ва модда кўчиши адсорбция ҳисобга олинган ва олинмаган ҳоллар учун математик

модел сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланишини ҳисобга олиб такомиллаштирилган;

биржинслимас муҳитларда модда кўчиши ва суюқлик ҳаракати динамикалари, модда кўчиши, адсорбция ва агрегатланганлик хусусиятлари аниқланган;

тескари коэффицентли масаласини ечиш йўли билан диффузион ва кинетик ёндашув натижаларни бир-бирига яқин келтирувчи кинетика тенгламасидаги масса кўчиш коэффицентининг қиймати топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

диффузион ва кинетик ёндошувлар асосида биржинслимас ғовак муҳитларда модда кўчишини ҳисоблаш схемаси ва алгоритми ишлаб чиқилган;

биржинслимас цилиндрик ғовак муҳитларда модда сизиши ва кўчишининг адсорбция ҳисобга олинган ва олинмаган ҳоллари учун математик модели ишлаб чиқилган;

биржинслимас цилиндрик ғовак муҳитда адсорбцияни ҳисобга олиб модда кўчишини ҳисоблаш учун дастурий восита ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий маълум ва кўп маротаба текширилган ер ости гидро-динамикаси тенгламаларига асосланган бўлиб, сонли усулларни қўллашда уларнинг турғунлиги текширилганлиги, талаб қилинган аниқликдаги аппроксимациялардан фойдаланилганлиги, олинган натижалар физик жиҳатдан батафсил таҳлил қилинганлиги ва уларнинг реал физик жараёнларга мувофиқлиги ва мослиги баҳоланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биржинслимас муҳитларда модда кўчиши моделларини такомиллаштириш, ишлаб чиқилган моделлар ва алгоритмлар асосида агрегатланган ғовак муҳитларда модда кўчиши ва сизиши назариясига ҳисса қўшиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оқова ва ичимлик сувларини тозалаш жараёнларини таҳлил қилиш, нефт ва газ конларига иккиламчи ишлов бериш, гидрогеология каби соҳаларда биржинслимас муҳитлардаги модда кўчиши ва суюқлик ҳаракати жараёнларини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашдан фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биржинслимас ғовак муҳитларда модда кўчиши жараёнларининг такомиллаштирилган моделларини сонли тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалари асосида:

муҳитда масса алмашинувини ҳисобга олиб биржинслимас ғовак муҳитда модда кўчиш моделининг сонли ечиш алгоритми ва дастурий воситаси “Сирдарё-Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тассарруфидаги Жиззах сув омборлари бошқармасига қарашли сув омборини сув билан тўлдириш, захирада сақлаш жараёнида лойқа босиши ҳажмини аниқлашда, омбор тубида чўкма ҳосил бўлиши ва қумлаш жараёнида асосий параметрлари ўзгариш оралиғини аниқлаш ишлари олиб боришда, сув билан бирга оқиб

кирган чўкинди ва ифлосланиш даражасини баҳолаш мақсадида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги №03/20-2997-сон маълумотномаси). Натижада биржинслимас ғовак муҳитда модда кўчиши билан масса алмашинувини ҳисобга олиб ҳавзанинг тўлдирилиши, захира сувларининг сақланиши ва ишлатилишида инфильтрация жараёнларининг гидродинамик параметрларини баҳолаш ва ҳисоблаш аниқлигини 7-10% га ошириш имконини берган;

биржинслимас муҳитдан ташкил топган объектда масса алмашинувини ҳисобга олиб, биржинслимас ғовак муҳитда модда кўчиши моделининг сонли ечиш усули ва дастурий воситаси “Сирдарё-Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тассарруфидаги Жиззах сув омборлари бошқармасига қаршли сув омборига чўкманинг тўғон ва омбор тубини қолматациялаши ҳодисасини баҳолашга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги №03/20-2997-сон маълумотномаси). Натижада сув омборида чўкманинг тўғон ва омбор тубини қолматациялаши ҳодисасини баҳолашда муҳандислик ҳисобларини ўтказишга кетадиган вақт ва меҳнат сарфини 10-15% га қисқартириш имконини берган;

сув омборининг қуйилиш қисмида ўзандаги лойқа чўкиндиларининг ўзан узунлиги бўйича тақсимланишини ва масса алмашинувини ҳисобга олиб, биржинслимас ғовак муҳитда модда кўчиш моделининг сонли ечиш усули ва дастурий воситаси “Сирдарё-Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тассарруфидаги Жиззах сув омборлари бошқармасига қаршли сув омбори қуйилиш қисмида ўзандаги лойқа чўкиндиларнинг ўзан узунлиги бўйича тақсимланишини ҳисоблашга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги №03/20-2997-сон маълумотномаси). Натижада сув омбори қуйилиш қисмида ўзандаги лойқа чўкиндиларнинг ўзан узунлиги бўйича тақсимланишини ҳисоблашларини ўтказишга кетадиган вақтни 5-7% га қисқартириш имконини берган;

“Адсорбцияни ҳисобга олиб биржинслимас цилиндрик ғовак муҳитда модда кўчишини ҳисоблаш” алгоритми ва дастурий таъминоти 92-2015-03 (A mobile irrigation system for greenhouse) хорижий илмий тадқиқот гранти доирасида сизиш жараёнида ўғитнинг тарқалишини тадқиқ қилиш ва моделлаштиришга жорий этилган (Малайзия, Нилай университети, 2018 йил 13 ноябрдаги маълумотнома). Натижада алгоритм ва дастурий таъминотнинг қўлланилиши ўғит концентрациясининг чизикли ва ночизикли кўчишида мувозанат ва номувозанат адсорбцияни ҳисобга олиб, дифференциал тенгламани сонли ечиш, концентрациянинг тарқалишини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола,

жумладан, 2 таси хорижий нашрларда ва 4 таси республика нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Макраскопик биржинслимас ғовак муҳитларда модда кўчиши ва суюқлик ҳаракати**» деб номланган биринчи бобда биржинслимас макраскопик ғовак муҳитларда модда кўчиши ва суюқликнинг ҳаракатланиш жараёнларини ўзида акс эттирувчи асосий моделлар қаралган ва моделларининг турли хилдаги геометрик шаклга эга бўлган ғовак муҳитлардаги таҳлили ўтказилган. Модда кўчиши жараёнига адсорбция ҳодисаси ва ҳаракатсиз суюқликлар зонасининг таъсири турли ҳолатлар учун кўриб чиқилган. Биржинслимас муҳитларда суюқликнинг ҳаракати модда кўчиши масалаларини сонли ечиб таҳлил қилинган.

1.1-параграфда биржинслимас муҳитда модда кўчиши моделлари ва суюқликларнинг ҳаракати масалаларини ечишда ўтказилган бир қанча тадқиқотлар, экспериментлар, улар эришган натижа ва хулосалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

1.2-параграфда турли адсорбция ҳодисаларини ҳисобга олиб, биржинслимас ғовак муҳитларда модда кўчиши модда концентрациясига таъсири ўрганилган, биржинслимас ғовак муҳитларда суюқлик ҳаракати кинетик моделларининг математик ифодаси қаралган. Муҳитнинг юзасида модданинг адсорбцияланиши туфайли унинг эритмадаги концентрацияси пасаяди. Суюқ муҳитдан адсорбция жараёнида адсорбцияланган модда миқдори ва эритмадаги концентрация ўртасида мувозанат ҳосил бўлади.


1.3-параграф ҳаракатсиз суюқлик соҳаси мавжуд бўлган муҳитда модда кўчишига бағишланган. Бундай соҳалар модда кўчиши жараёнига жиддий таъсир кўрсатади, чунки ҳаракатдаги суюқлик соҳасидан ҳаракатсиз суюқлик соҳасига диффузион модда кўчиши содир бўлади. Аниқ геометрияли макроскопик биржинслимас муҳитларда модда кўчишига доир мисоллар келтирилган.

1.4-параграфда макроскопик биржинслимас ғовак муҳитларда модда кўчиши моделларини сонли ечиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «Биржинслимас цилиндрик муҳитда модда кўчиши» деб номланган иккинчи бобида марказида цилиндрик макроғовак ва уни ўраб турувчи цилиндрик микроғоваклардан ташкил топган икки қатламли цилиндрик ғовак муҳитда модда ҳаракати ва кўчиши масаласи қўйилган ва сонли ечилган.

2.1-параграфда диффузион ёндошув асосида марказида макроғовакли цилиндрик ғовак муҳитларда модда кўчиши масаласи ечилган.

Марказида цилиндрик макроғовак (ўтказувчанлиги юқори бўлган ғовак муҳит) жойлашган цилиндрик ғовак муҳит қаралган. (1-расм). Макроғовак цилиндрнинг радиуси a га ва уни ўраб турувчи микроғовак цилиндрик муҳитнинг радиуси b га тенг. Микроғовакнинг ғоваклиги ва ўтказувчанлиги кичик деб қаралган, демак, бу муҳитдаги модда ҳаракати жуда ҳам кам бўлади.



1-расм. Цилиндрик макроғовакли цилиндрик муҳит.

Қуйидаги боғлиқликлардан фойдаланамиз:

$$V_f = \frac{a^2}{b^2}, \quad V_a = 1 - V_f, \quad \theta_m = V_f \theta_f, \quad \theta_{im} = V_a \theta_a.$$

бу ерда V_f, V_a - макро ва микроғовакликларнинг муҳит ҳажмига нисбатан ҳажм бирлигидаги улуши; θ_f, θ_a - макро ва микроғовакликларнинг локал ғоваклик коэффициентлари; θ_m, θ_{im} - макро ва микроғовак муҳитларнинг нисбий ғоваклик коэффициентлари.

Макроғовакда модда кўчиши бир ўлчовли деб қаралади, бу эса ички цилинрнинг кўндаланг кесими бўйича ўртача коцентрация - c_m тушунчасини киритишга имкон беради.

Макроғовакда модда кўчиши масаласи бир ўлчамли қуйилганда ушбу тенглама билан ифодаланади

$$\theta_m \frac{\partial c_m}{\partial t} + \theta_{im} \frac{\partial c_{im}}{\partial t} = \theta_m D_m \frac{\partial^2 c_m}{\partial x^2} - \theta_m v_m \frac{\partial c_m}{\partial x}, \quad (1)$$

бу ерда c_{im} - микроғовак муҳитдаги модданинг ўртача коцентрацияси

$$c_{im} = \frac{2}{b^2 - a^2} \int_a^b r c_a(t, x, r) dr, \quad (2)$$

бу ерда D_m - гидродинамик дисперсия коэффициенти, v_m - макроғовакдаги модданинг ўртача тезлиги, c_a - ташқи цилиндрик муҳитдаги локал коцентрация, t - вақт, x - масофа.

c_{im} микроғовак мухитдаги ўртачалашган концентрацияни ифодалайди. Мухитдаги модданинг тарқалиши оддий диффузия тенгламаси орқали қуйидагича ифодаланади

$$\frac{\partial c_a}{\partial t} = \frac{D_a}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_a}{\partial r} \right), \quad a < r < b, \quad (3)$$

бу ерда D_a диффузия коэффициентини.

Сўнгра шу масалани кинетика тенгламаси асосида макроғовакдан микроғовак мухитга масса кўчиши масаласи қаралади

$$\theta_{im} \frac{\partial c_{im}}{\partial t} = \alpha (c_m - c_{im}), \quad (4)$$

яъни (2), (3) тенглама ўрнида масса кўчишининг кинетика тенгламасидан фойдаланилади. Бу ерда $\alpha = \text{const}$ масса кўчиш коэффициентини.

(3) тенгламага макро ва микроғовак мухитларнинг чегараларида концентрациянинг узлуксизлигини таъминловчи кўшимча шартни киритамиз

$$c_a(t, x, a) = c_m(t, x). \quad (5)$$

Микроғовак мухитда бўйлама йўналиш бўйича тарқалиш ҳисобга олинмайди ва ($r = b$) чегарада модда оқими йўқ, ўтказмас деб қаралади.

$$\frac{\partial c_a(t, x, b)}{\partial r} = 0. \quad (6)$$

$x = 0$ нуқтадан $0 \leq r \leq a$ бутун макроғовак мухитнинг кўндаланг кесим юзаси бўйлаб, $t > 0$ вақтдан бошлаб, c_0 концентрацияли биржинслимас суюқлик v_m ўртacha ўзгармас тезликда мухитга юборилади. Бошланғич ва чегаравий шартлар қуйидагича:

$$c_m(0, x) = 0, \quad (7)$$

$$c_{im}(0, x) = 0, \quad (8)$$

$$c_a(0, x, r) = 0, \quad (9)$$

$$c_m(t, 0) = c_0, \quad c_0 = \text{const}, \quad (10)$$

$$\frac{\partial c_m}{\partial x}(t, \infty) = 0. \quad (11)$$

(1) - (4) тенгламалар (5) - (11) бошланғич ва чегаравий шартлар асосида чекли айирмалар усулидан фойдаланиб ечилган. c_a - локал концентрация майдони аниқланган, бундан ташқари c_m , c_{im} - концентрация профилларининг ўзгаришлари кўрсатилган. Иккала ёндошувларда натижаларни бир-бирига яқин келтирувчи масса кўчиш коэффициентининг ($\alpha = 2.8 \cdot 10^{-6} \text{ с}^{-1}$) қиймати аниқланган.

2.2-параграфда 2.1-параграфдаги масала адсорбцияни ҳисобга олиб қаралган. Бунда кўчиш масаласи қуйидаги кўринишда бўлади

$$\theta_m \frac{\partial c_m}{\partial t} + \rho_m \frac{\partial s_m}{\partial t} + \theta_{im} \frac{\partial c_{im}}{\partial t} + \rho_{im} \frac{\partial s_{im}}{\partial t} = \theta_m D_m \frac{\partial^2 c_m}{\partial x^2} - \theta_m v_m \frac{\partial c_m}{\partial x}, \quad (12)$$

$$s_{im} = \frac{2}{b^2 - a^2} \int_a^b r s_a(x, r, t) dr, \quad (13)$$

$$\theta_a \frac{\partial c_a}{\partial t} + \rho_a \frac{\partial s_a}{\partial t} = \theta_a D_a \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_a}{\partial r} \right), \quad a < r < b, \quad (14)$$

бунда s_m, s_{im} - модданинг макро ва микроғовак муҳитлардаги адсорбция концентрациялари, s_a - микроғовакдаги адсорбцияланган модданинг локал концентрацияси, ρ_m, ρ_{im} - макро ва микроғовак муҳитларнинг ҳажмий зичлиги.

Генри изотермасидан қуйидаги кўринишда фойдаланамиз

$$s_m = k_m c_m, \quad s_a = k_a c_a, \quad s_{im} = k_{im} c_{im}, \quad (15)$$

k_m, k_{im} - модданинг макро ва микроғовакдаги адсорбция коэффициентлари.

(15) ни (12) ва (14) тенгламаларга қўйиб қуйидаги тенгламани ҳосил қиламиз

$$\theta_m R_m \frac{\partial c_m}{\partial t} + \theta_{im} R_{im} \frac{\partial c_{im}}{\partial t} = \theta_m D_m \frac{\partial^2 c_m}{\partial x^2} - \theta_m v_m \frac{\partial c_m}{\partial x}, \quad (16)$$

$$R_a \frac{\partial c_a}{\partial t} = D_a \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_a}{\partial r} \right), \quad (17)$$

R_m, R_{im}, R_a - ретардация коэффициентлари

$$R_m = 1 + \frac{\rho_m k_m}{\theta_m}, \quad R_{im} = 1 + \frac{\rho_{im} k_{im}}{\theta_{im}}, \quad R_a = 1 + \frac{\rho_a k_a}{\theta_a}.$$

(16), (17) масалалар чекли айирмалар усулида ечилади. Ҳаракатсиз суюқликли соҳадаги c_a - локал концентрация, s_a - локал адсорбция концентрация майдонлари аниқланган, c_m, c_{im} - концентрация профиллари ва s_m, s_{im} - адсорбцияланган модда концентрациясининг профиллари қурилган.

Сўнгра (16) тенгламани кинетика тенгламаси билан биргаликда ечилади, адсорбция ҳисобга олганда қуйидагича бўлади

$$\theta_{im} \frac{\partial c_{im}}{\partial t} + \rho_{im} \frac{\partial s_{im}}{\partial t} = \alpha (c_m - c_{im}). \quad (18)$$

Генри чизиқли изотермаси ҳолида (15)ни (18)га қўйиб қуйидагини ҳосил қиламиз

$$\theta_{im} R_{im} \frac{\partial c_{im}}{\partial t} = \alpha (c_m - c_{im}). \quad (19)$$

Икки ёндашув натижаларни бир-бирига яқин келтирувчи масса кўчиши коэффициентини α ($\alpha = 3 \cdot 10^{-6} \text{ с}^{-1}$)нинг қиймати мувозанат адсорбцияни ҳисобга олган ҳолат учун аниқланган.

2.3-параграфда цилиндрик макроғовакли цилиндрик муҳитда номувозанат адсорбцияни ҳисобга олган ҳолда модда кўчиш масаласи қаралган. Бу ҳол учун адсорбциянинг кинетика тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади

$$\beta \frac{\partial s_m}{\partial t} = k c_m - s_m, \quad (20)$$

$$\beta \frac{\partial s_{im}}{\partial t} = kc_{im} - s_{im}, \quad (21)$$

$$\beta \frac{\partial s_a}{\partial t} = kc_a - s_a, \quad (22)$$

бу ерда β - номувозанат адсорбциядан муовзанатга характерли ўтиш вақти. Аввалги ҳолатлар натижалари билан бу ҳолат қиёсий таҳлил қилинган ва иккала ёндашув учун натижаларни бир-бирига яқин келтирувчи масса кўчиш коэффициенти α ($\alpha = 2.91 \cdot 10^{-6} \text{ с}^{-1}$) аниқланган.

2.4-параграфда шу масала Фрейндлих изотермаси бўйича мувозанат адсорбциясини ҳисобга олган ҳол учун қаралган

$$s = kc^n, \quad 0 < n < 1. \quad (23)$$

Бу ҳолатда (16), (17) тенгламалардаги ретардацион коэффициентлар ўзгаради ҳолос

$$R_m = 1 + \frac{f_m \rho k n c_m^{n-1}}{\theta_m}, \quad (24)$$

$$R_{im} = 1 + \frac{(1 - f_m) \rho k n c_{im}^{n-1}}{\theta_{im}}, \quad (25)$$

$$R_a = 1 + \frac{f_a \rho k n c_a^{n-1}}{\theta_a}. \quad (26)$$

Шунингдек, масала кинетик тенглама (19) га асосан, (25) тенгликдан аниқланган ретардацион коэффициент R_{im} учун таҳлил қилинган. Фрейндлих изотермаси ва чизикли Генри изотермалари учун қиёсий таҳлиллар ўтказилган. Бундай ҳолатларда натижаларни бир-бирига яқин келтирувчи масса кўчиш коэффициенти $\alpha = 3.64 \cdot 10^{-6} \text{ с}^{-1}$ аниқланган.

Сўнгра ночизикли кинетик адсорбция тенгламаси ҳисобга олган ҳол учун масала қуйидагича давом эттирилган


$$\beta \frac{\partial s_m}{\partial t} = kc_m^n - s_m, \quad (27)$$

$$\beta \frac{\partial s_{im}}{\partial t} = kc_{im}^n - s_{im}, \quad (28)$$


$$\beta \frac{\partial s_a}{\partial t} = kc_a^n - s_a. \quad (29)$$

Цилиндрик макроғовакли цилиндрик муҳитда модда кўчиш жараёнида турли хилдаги адсорбцияларнинг роли ҳамда, кўчиш жараёни хусусиятларига таъсирлари баҳоланган. Вақтнинг кичик қийматларида $\alpha = 3.335 \cdot 10^{-6} \text{ с}^{-1}$ қиймати иккала ёндошувда яқин натижалари қайд қилинган.


Цилиндрик макро ва микроғовак муҳитларда модда концентрациясини ҳисобловчи “Адсорбцияни ҳисобга олиб биржинслимас цилиндрик ғовак муҳитда модда кўчишини ҳисоблаш” номли дастурий мажмуа яратилган (2-4-расмлар).



2-расм. Бошқарувчи форма.



3-расм. Маълумотларни киритиши ойнаси.



4-расм. Натижаларни график кўринишида чиқариши ойнаси.

Дастур модда концентрация микдорларини адсорбцияни ҳисобга олган ва олмаган ҳолларда ҳисоблайди ва графикларини чизади. Дастур график интерфейс билан жиҳозланган, диалог режимида ишлайди, барча натижалар матнли файлда сақланади, бу уларни турли шаклларда қўллаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Икки соҳали цилиндрик ғовак муҳитда сизиши тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланиш ҳисобга олганда суюқлик ҳаракати ва модданинг кўчиши**» деб номланган учинчи бобида икки соҳали ичма-ич жойлашган цилиндрик ғовак муҳитда модда кўчиши ва сизиши масаласи сизиш тезлик майдонининг биржинслимас тақсимланишни ҳисобга олганда қаралган.

3.1-параграфда аниқ геометрияга эга бўлган биржинслимас муҳитларда модда кўчишининг бирқанча назарий ва тажрибавий тадқиқотлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Маказида радиуси a га тенг бўлган цилиндрик макроғовак жойлашган радиуси b га тенг бўлган цилиндрик ғовак муҳит қаралади (1-расм). Шундай қилиб, масаланинг тадқиқоти бир-биридан сизиш хусусиятлари билан фарқ қилувчи иккита қисмдан иборат бўлади. $(0,0)$ нуктадан ўзгармас $p_c = \text{const}$ босимда муҳитга суюқлик юборилади. Дастлаб муҳитда p_0 ўзгармас босим мавжуд эди, $p_0 < p_c$.

Ташқи цилиндрик мухит Ω_2 ўтказувчанлиги k_2 , ички Ω_1 ники - k_1 , бунда $k_2 \ll k_1$. Ташқи цилиндрик ғовак мухитнинг ташқи ён сирти ўтказмас. Ω_1 ва Ω_2 мухитлардаги сизиш тезликлари таркибий қисмлари Дарси қонуни асосида аниқланади

$$v_{1x} = -\frac{k_1}{\mu} \frac{\partial p_1}{\partial x}, \quad v_{1r} = -\frac{k_1}{\mu} \frac{\partial p_1}{\partial r}, \quad (r, x) \in \Omega_1, \quad (30)$$

$$v_{2x} = -\frac{k_2}{\mu} \frac{\partial p_2}{\partial x}, \quad v_{2r} = -\frac{k_2}{\mu} \frac{\partial p_2}{\partial r}, \quad (r, x) \in \Omega_2, \quad (31)$$

бунда p_1, p_2 - Ω_1, Ω_2 мухитлардаги босимлар, μ - модданинг қовушоқлик коэффициентлари. Ω_1, Ω_2 соҳалардаги босимларни аниқлаш учун пьезоўтказувчанлик тенгламасидан фойдаланамиз

$$\frac{\partial p_1}{\partial t} = \chi_1 \left\{ \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial p_1}{\partial r} \right) + \frac{\partial^2 p_1}{\partial x^2} \right\}, \quad (r, x) \in \Omega_1, \quad (32)$$

$$\frac{\partial p_2}{\partial t} = \chi_2 \left\{ \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial p_2}{\partial r} \right) + \frac{\partial^2 p_2}{\partial x^2} \right\}, \quad (r, x) \in \Omega_2, \quad \chi_1 = \frac{k_1}{\mu \beta^*}, \quad \chi_2 = \frac{k_2}{\mu \beta^*}, \quad (33)$$

χ_1, χ_2 - пьезоўтказувчанлик коэффициентлари, β^* - мухитнинг эластик сиқилувчанлик коэффициенти ($\beta^* = m\beta_{\text{жс}} + \beta_c$, $\beta_{\text{жс}}$ - модданинг ҳажмий эластиклик коэффициенти ва β_c - эса мухитнинг ҳажмий эластиклик коэффициенти).

Бошланғич ва чегаравий шартлар қуйидагича:

$$p_1(0, r, x) = p_2(0, r, x) = p_0, \quad p_0 = \text{const}, \quad (34)$$

$$p_1(t, 0, 0) = p_c, \quad p_c = \text{const}, \quad p_c > p_0, \quad (35)$$

$$\frac{\partial p_1}{\partial x}(t, r, 0) = 0, \quad 0 < r \leq a, \quad (36)$$

$$\frac{\partial p_1}{\partial x}(t, r, \infty) = 0, \quad 0 < r \leq a, \quad (37)$$

$$\frac{\partial p_1}{\partial r}(t, 0, x) = 0, \quad 0 < x < \infty, \quad (38)$$

$$\frac{\partial p_2}{\partial x}(t, r, 0) = 0, \quad a < r \leq b, \quad (39)$$

$$\frac{\partial p_2}{\partial x}(t, r, \infty) = 0, \quad a < r \leq b, \quad (40)$$

$$\frac{\partial p_2}{\partial r}(t, b, x) = 0, \quad 0 < x < \infty, \quad (41)$$

$$k_1 \frac{\partial p_1}{\partial r}(t, a, x) = k_2 \frac{\partial p_2}{\partial r}(t, a, x), \quad 0 \leq x < \infty, \quad (42)$$

$$p_1(t, a, x) = p_2(t, a, x), \quad 0 \leq x < \infty. \quad (43)$$

(30) – (33) тенгнамалар системаси (34) – (43) бошланғич ва чегаравий шартлар билан чекли айирмалар усулида ечилган. Босим майдони, сизиш тезлиги иккала соҳада ҳам аниқланган.

3.2-параграфда икки соҳали цилиндрик муҳитда сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланишини ҳисобга олиб модда кўчиши ва ҳаракати масаласи қўйилган ва сонли ечилган. Икки соҳали цилиндрик муҳитда модда ҳаракати ва кўчиши масаласининг эластик режимдаги математик тенгнамаси қуйидагича:

$$\theta_1 \frac{\partial c_1}{\partial t} + v_{1x} \frac{\partial c_1}{\partial x} + v_{1r} \frac{\partial c_1}{\partial r} = \theta_1 D_1 \left\{ \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_1}{\partial r} \right) + \frac{\partial^2 c_1}{\partial x^2} \right\}, (r, x) \in \Omega_1, \quad (44)$$

$$\theta_2 \frac{\partial c_2}{\partial t} + v_{2x} \frac{\partial c_2}{\partial x} + v_{2r} \frac{\partial c_2}{\partial r} = \theta_2 D_2 \left\{ \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_2}{\partial r} \right) + \frac{\partial^2 c_2}{\partial x^2} \right\}, (r, x) \in \Omega_2, \quad (45)$$

θ_1 ва θ_2 – Ω_1 ва Ω_2 соҳалардаги ғовакликлар; c_1, c_2 – ҳажмий концентрациялар ва мос равишда D_1, D_2 – диффузия коэффицентлари (бу ерда 1 - макроғовак, 2 - ташқи цилиндрик муҳит-микроғовак).

Масала чекли айирмалар усулидан фойдаланиб ечилган. (44), (45) тенгнамалардаги сизиш тезликлари компонентлари (30) - (43) масалалардан аниқланади. Босимнинг тарқалиши, сизиш тезлиги майдони ва икки соҳали цилиндрик ғовак муҳитда сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланишини ҳисобга олиб, модда концентрацияси аниқланган. Ўтказувчанликнинг муҳитда босимнинг тақсимланиши ва модда сизишида таъсири таҳлил қилинган.

3.3-параграфда юқоридаги масала чизикли мувозанат ва номувозанат адсорбцияларни ҳисобга олган ҳолда ечилган. Муҳитдаги суюқлик ҳаракати ва модда кўчиши адсорбцияни ҳисобга олган ҳолдаги математик тенгнамаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\theta_1 \frac{\partial c_1}{\partial t} + v_{1x} \frac{\partial c_1}{\partial x} + v_{1r} \frac{\partial c_1}{\partial r} + \rho_1 \frac{\partial s_1}{\partial t} = \theta_1 D_1 \left\{ \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_1}{\partial r} \right) + \frac{\partial^2 c_1}{\partial x^2} \right\}, (r, x) \in \Omega_1, \quad (46)$$

$$\theta_2 \frac{\partial c_2}{\partial t} + v_{2x} \frac{\partial c_2}{\partial x} + v_{2r} \frac{\partial c_2}{\partial r} + \rho_2 \frac{\partial s_2}{\partial t} = \theta_2 D_2 \left\{ \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_2}{\partial r} \right) + \frac{\partial^2 c_2}{\partial x^2} \right\}, (r, x) \in \Omega_2, \quad (47)$$

s_1, s_2 – адсорбцияланган модданинг концентрацияси, ρ_1, ρ_2 – макроғовак ва микроғовак муҳитлар зичлиги.

Адсорбциянинг турига қараб иккита ҳол қаралади:

а) Чизикли мувозанат адсорбция.

Бу ҳолда Генри изотермасидан қуйидаги кўринишда фойдаланамиз

$$s_1 = k_1^* c_1, \quad s_2 = k_2^* c_2, \quad (48)$$

k_1^*, k_2^* - модданинг муҳитлардаги адсорбцияланиш коэффицентлари.

б) Чизикли номувозанат адсорбция. Бу ҳолда адсорбциянинг кинетик тенгнамаси қуйидаги кўринишда бўлади

$$\frac{\partial s_1}{\partial t} = \frac{k_1'}{\rho_1} c_1 - k_1'' s_1, \quad \frac{\partial s_2}{\partial t} = \frac{k_2'}{\rho_2} c_2 - k_2'' s_2, \quad (49)$$

бунда k_1' , k_1'' , k_2' , k_2'' - ўзгармаслар.

Ω_1 ва Ω_2 соҳалардаги нисбий концентрация ва босим майдонлари аниқланган.

3.4-параграфда икки зонали цилиндрик муҳитда модда кўчиши масаласи биржинслимас сизиш тезлиги майдонининг тақсимланишини ва ночизикли адсорбцияни ҳисобга олган ҳолда ечилган.

а) Ночизикли мувозанат адсорбция. Масала ночизикли мувозанат адсорбция Фрейндлих изотермаси асосида ечилган

$$s_1 = k_1^* c_1^n, \quad s_2 = k_2^* c_2^n, \quad 0 < n < 1. \quad (50)$$

Бу ҳолатда (46), (47) тенгламалар (50) тенгликни ҳисобга олганда қуйидаги кўринишда бўлади

$$\left(\theta_1 + \rho_1 k_1^* n c_1^{n-1}\right) \frac{\partial c_1}{\partial t} + v_{1x} \frac{\partial c_1}{\partial x} + v_{1r} \frac{\partial c_1}{\partial r} = \theta_1 D_1 \left\{ \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_1}{\partial r} \right) + \frac{\partial^2 c_1}{\partial x^2} \right\}, \quad (r, x) \in \Omega_1, \quad (51)$$

$$\left(\theta_2 + \rho_2 k_2^* n c_2^{n-1}\right) \frac{\partial c_2}{\partial t} + v_{2x} \frac{\partial c_2}{\partial x} + v_{2r} \frac{\partial c_2}{\partial r} = \theta_2 D_2 \left\{ \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(r \frac{\partial c_2}{\partial r} \right) + \frac{\partial^2 c_2}{\partial x^2} \right\}, \quad (r, x) \in \Omega_2. \quad (52)$$

б) Ночизикли номувозанат адсорбция. Бу ҳолда адсорбциянинг ночизикли кинетик тенгламасидан фойдаланилади

$$\frac{\partial s_1}{\partial t} = \frac{k_1'}{\rho_1} c_1^n - k_1'' s_1, \quad \frac{\partial s_2}{\partial t} = \frac{k_2'}{\rho_2} c_2^n - k_2'' s_2. \quad (53)$$

Бу ҳол учун ҳам нисбий концентрация, босим майдонлари ва модда адсорбцияси концентрацияси ҳар иккала соҳаларда аниқланди. Ночизикли мувозанат ва номувозанат адсорбцияларни ҳисобга олган ҳолдаги натижалар аввалги ҳолатлар билан қиёсланиб таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Биржинслимас ғовак муҳитларда модда кўчишида параметрларни идентификациялаш**» деб номланган тўртинчи бобида модда кўчиш масаласида масса кўчиш коэффицентини аниқлашнинг тескари масаласи адсорбцияни ҳисобга олмаган ва олган ҳолларда тадқиқ қилинган.

4.1-параграфда тескари масалалар ва уларнинг турлари ҳақида умумий, хусусан биржинслимас муҳитларда модда кўчиши параметрларни идентификациялаш ҳақида маълумотлар келтирилган.

4.2-параграфда икки соҳали цилиндрик ғовак муҳитдаги модда кўчиш масаласида масса кўчиш коэффицентининг қийматини аниқлашнинг тескари масаласи ечилган. Масса кўчиш коэффицентининг қийматини аниқлашда диффузион ёндошув асосида олинган қатлам нуқталари қийматлари натижаларига таянамиз. Тескари масалани ечишда бошланғич маълумотлар сифатида тўғри масалада ечиб олинган қатлам нуқталари қийматлардан фойдаланилган.

$$c_m(t, x_k) = z_k(t), \quad t \in [0, T], \quad k = 1, 2, 3. \quad (54)$$

Қатламнинг $x = x_k$ ($k = 1, 2, 3$) нуқталаридаги модда концентрацияси маълум $z_k(t)$ вақт функциясининг қийматлари бўлади (5-расм). α коэффициентни қуйидаги функционалнинг минимум шартидан қидирамиз

$$J(\alpha) = \sum_{k=1}^3 \int_0^T [c_m(t, x_k) - z_k(t)]^2 dt. \quad (55)$$


(1), (4) тенгламалар $\alpha = \alpha^s$ бўлганда қуйидагича бўлади

$$\theta_m \frac{\partial c_m^s}{\partial t} + \theta_{im} \frac{\partial c_{im}^s}{\partial t} = \theta_m D_m \frac{\partial^2 c_m^s}{\partial x^2} - \theta_m v_m \frac{\partial c_m^s}{\partial x}, \quad (56)$$


$$\theta_{im} \frac{\partial c_{im}^s}{\partial t} = \alpha^s (c_m^s - c_{im}^s) \quad (57)$$

(55) тенгликдан α коэффициентни аниқлаш учун Matlab.7.6.0 (R2008a) муҳитида дастур тузилган. Тескари масаладан топилган масса кўчиш коэффициенти қиймати кўйилиб, кинетик ёндошув асосида тўғри масала ечилган ва $\alpha = 2,4992 \cdot 10^{-6} \text{ с}^{-1}$ қийматда диффузион ва кинетик ёндашувлар яқин натижаларни қайд қилиши кўрсатилган.

4.3-параграфда мувозанат адсорбцияни ҳисобга олиб, марказида цилиндрик макроғовак жойлашган цилиндрик ғовак муҳитдаги модда кўчиши коэффициенти қийматини топишнинг тескари коэффициенти масаласи ечилган. Икки соҳали цилиндрик ғовак муҳитда чизиқли мувозанат адсорбцияни ҳисобга олиб, диффузион ва кинетик ёндашувларда яқин натижаларни қайд қилувчи масса кўчиш коэффициентининг $\alpha = 2,86623 \cdot 10^{-6} \text{ с}^{-1}$ қиймати аниқланган (6-расм).



5-расм. $z_k(t)$ функция графиги.



6-расм. c_{im} концентрациянинг диффузион ва кинетик ёндашувларидаги профиллари
1 - $t = 450$ с, 2 - $t = 900$ с, 3 - $t = 1800$ с,
4 - $t = 2700$ с.

ХУЛОСА

“Агрегатланган ғовак муҳитларда модда кўчишининг гидродинамик масалалари” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Диффузион ва кинетик ёндашувлари асосида биржинслимас ғовак муҳитларда модда кўчиш жараёнининг математик модели тузилган. Масса кўчиш коэффициентининг иккала ёндашувлар учун натижаларни бир-бирига яқин келтирувчи қиймати аниқланган.

2. Марказида цилиндрик макроғовак жойлашган горизонтал цилиндрик ғовак муҳитда модда кўчиш масаласи адсорбция ҳодисаларини ҳисобга олиб (чизикли мувозанат, чизикли номувозанат, ночизикли мувозанат, ночизикли номувозанат) қаралган. Масса кўчиш масаласи иккита ҳолат учун таҳлил қилинган: диффузия тенгламаси ва кинетик масса кўчиши тенгламалари асосида. Масса кўчиш коэффициентининг юқоридаги адсорбция ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолларда, иккала ёндашувлар учун натижаларни бир-бирига яқин келтирувчи қийматлари топилган.

3. Икки соҳали цилиндрик ғовак муҳитда сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланишини ҳисобга олиб, босимнинг тарқалиши, сизиш тезлиги майдони ва модда концентрацияси аниқланган.

4. Муҳит ўтказувчанликнинг ғовак муҳитда босимнинг тарқалишига ва суюқлик ҳаракати тезлигига ахамиятли таъсири кўрсатилган. Муҳитнинг ҳар хил хусусиятли соҳалари муҳитда модда сизишига таъсир қилганидек, модданинг кўчишига ҳам сезиларли таъсирини ўтказди. Биржинслимас сизиш тезлиги майдонининг тақсимланиши кўчиш жараёнининг умумий манзарасини сезиларли ўзгартиради.

5. Икки соҳали цилиндрик муҳитда модда кўчишини сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланиши ҳамда чизикли (мувозанат ва номувозанат) ва ночизикли (мувозанат ва номувозанат) адсорбцияланиш ҳодисаларини ҳисобга олиб ечилган. Модда кўчиши жараёнида адсорбция ҳодисасини ҳисобга олиш нисбий концентрация майдонининг илгариланиши секинлаштириши кўрсатилган.

6. Макро ва микроғовак муҳитдан ташкил топган цилиндрик муҳитда адсорбцияни ҳисобга олган ва олмаган ҳолларда модда кўчишининг тескари коэффициентли масаласи қўйилган ва сонли ечилган. Кинетика тенгламасидаги масса кўчиш коэффициентининг қийматини аниқлашнинг тескари масаласини ечиш учун диффузион ёндошув асосида ечилган тўғри масаланинг натижаларидан “бошланғич маълумотлар” тайёрланган. Тескари масала натижасидан фойдаланиб, кинетик ёндошув асосида тўғри масала ечилиб диффузион ва кинетик ёндашувлар натижаси бир-бирига яқинлиги кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.FM/Т.02.09
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЛАЙМОНОВ ФОЗИЛ УРАЛОВИЧ

**ГИДРОДИНАМИЧЕСКИЕ ЗАДАЧИ ПЕРЕНОСА ВЕЩЕСТВА
В АГРЕГИРОВАННЫХ ПОРИСТЫХ СРЕДАХ**

01.02.05 – Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/FM126.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хужаёров Бахтиёр Хужаёрович
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: Маликов Зафар Маматкулович
доктор технических наук
Джабборов Мамасоли Содикович
кандидат физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: Научно-исследовательский центр информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий

Защита диссертации состоится «17» мая 2019 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 104000, Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, 239-12-47, e-mail: devonxona@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета. (регистрационный номер 87). Адрес: 140104, Самарканд, Университетский бульвар, 15. (+99866) 239-17-25.

Автореферат диссертации разослан «3» мая 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 3 от «3» мая 2019 года.)



Р. И. Халмурадov
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

А. Абдирашидов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор физико-математических наук, доцент

Ж. А. Акилов
Заместитель председателя научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор физико-математических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире изучение вопросов переноса вещества в неоднородных пористых средах имеет важное практическое значение в различных областях техники, в частности, при подземной утилизации различных загрязняющих веществ, охране окружающей среды, добыче нефти и газа и др. Закачиваемое вместе с водой загрязняющее вещество продвигаясь по высокопроницаемым каналам, поропластам, по поровому пространству резервуара может распространяться на значительные расстояния по пласту. Важное значение при этом имеет оценка эффективности резервуара, как хранилища загрязняющих веществ. Поэтому особое внимание уделяется разработке математических моделей и численных алгоритмов переноса веществ в пористых средах во многих зарубежных странах, в том числе США, Англии, Франции, Китая, Японии, России и других развитых странах, а также созданию современных вычислительных программных обеспечений.

В мире исследуются показатели фильтрации в макроскопически неоднородных средах, в том числе проводятся направленные научные исследования переноса веществ и движения жидкости в агрегированных пористых средах, влияния неоднородности скелета пористой среды. В этом направлении, в частности, исследование сложных процессов переноса смесей и движения различных неоднородных жидкостей в агрегированных пористых средах с определенной геометрией, разработка математических моделей и вычислительных алгоритмов определения параметров реальных объектов является одной из самых важных задач. В связи с этим, разработка математических моделей с использованием диффузионного и кинетического подходов, эффективных алгоритмов и программ считается актуальным.

В нашей стране теория переноса веществ стала важным инструментом в физике почв, в частности при описании движения пестицидов, нитратов, тяжелых металлов и других веществ через пористые среды, охране окружающей среды, добыче нефти и газа и других областях техники. Эти исследования могут дать значительную информацию о поведении химического вещества в пористой среде (диффузия, дисперсия, исключение анионов, адсорбция или обменные процессы) и о самой пористой среде (распределение размеров пор, агрегирование). В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах поставлены задачи, в том числе «...дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень ...; ... развитие сети ... ирригационных объектов ...»². Реализация этих задач, в том числе разработка передовых математических моделей, представляющих процессы переноса и фильтрации в пористых средах, является одной из важнейших задач.

² Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 г.

В определенной степени, данное диссертационное исследование служит осуществлению задач, определенных в нормативно-правовых документах касательно данной деятельности, в частности, к таковым относятся Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по усовершенствованию системы защиты водных объектов», ПП-3107 от 30 июня 2017 года «Об усовершенствовании системы управления нефтегазодобывающей промышленностью» и ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также другие нормативно-правовые акты по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. За последние годы разработка и усовершенствование математических моделей сложных динамических процессов фильтрации и переноса в нефтегазовых и водоносных пластах и их численная реализация рассмотрены в работах таких ученых, как J.Bear, Van Genuchten M.Th., Wierenga P.J., Coats, K.H., Smith, F.N. Dalton, I. Hashimoto, B.D.Rasmuson A., I. Neretnieks, N.W.Haws, J.L.Auriault, Green R. E., P.S-C. Rao, J. C. Corey, R.E.Jessup, E.L.Cussler, J.M.Davidson, Drummond J. E, J.P.Gaudet, R.Haggerty, M.Hilpert, M.R.Paraskewich, Biggar J. W., D. R. Nielsen, Cameron D.R., Klute A, M.M.Rahman, P.Royer, H.M.Selim, G.Vachaud, Parker J.C., A.J.Valocchi, W.P.Ball, R.J.Wagenet, D.F.Young и др.

В Узбекистане существенную лепту в разработку математических моделей и вычислительных методов для исследования, прогнозирования и управления процессами движения жидкости и газа в пористых средах внесли такие отечественные ученые, как Ф.Б.Абуталиев, Э.Б.Абуталиев, Дж.Ф.Файзуллаев, Н.М.Мухидинов, Р.Садуллаев, И.Алимов, Б.Х.Хужаёров, Ж.Акилов, Н.Равшанов, И.К.Хужаев, Ш.Каюмов, В.Ф.Бурнашев и др.

